O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 18 июнь, № 121 (5036) Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектура-режалаштириш ташкилотларининг лойиҳаларига биноан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича хусусий уй-жой қурилиши кўламини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

қишлоқ жойларда хусусий уй-жой қурилиши учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ерлардан ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмида ер участкаларини ажратиш;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши дастурини 2011 — 2012 йилларда амалга ошириш мақсадида, йилдан-йилга унинг ўсишини таъминлашни кўзда тутган ҳолда, республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган қўшимча ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ лойиҳалаштириш институтига бир ой муддатда намунавий лойиҳалар асосида қурилган хусусий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларини танқидий баҳолашни амалга ошириш ва уларга иморат қурувчилар учун қўшимча қулайликлар, зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш ҳамда гаражлар ва ҳовли қурилмалари учун жойлар ажратилишини назарда тутган ҳолда тегишли тузатишлар киритиш вазифаси топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2010 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ер участкаларининг тўлиқ инвентаризациясини ўтказсин, аниқланган муҳандислик-коммунал инфратузилмага уланиши мумкин бўлган бўш майдонлардан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича келгусида хусусий уй-жой қуриш мақсадида фойдаланишни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси инвентаризация натижалари бўйича бир ой муддатда шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш жадвалини, шунингдек, архитектура-режалаштириш ташкилотларининг ҳудудларнинг 2011 — 2014 йилларга мўлжалланган лойиҳаларини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2011 — 2012 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда қуйидаги мақсадлар учун зарур бўлган марказлаштирилган манбаларни кўзда тутсин:

2009 йилда қурила бошланган 42 тураржой массивида, шунингдек, 2010 йилда қурилаётган 213 тураржой массивида ижтимоий инфратузилма объектларини комплекс тарзда барпо этиш;

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ орқали тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини мўлжалланган ҳажмларда қўшимча молиялаш.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2010 йил 15 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига 2009 — 2010 йилларда барпо этилган хусусий уй-жой массивларида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг аниқ объектларини қуриш бўйича асосланган таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида таклифлар киритсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 17 июнь

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



**СУРАТДА:** корхона ишчилари Шоҳиста Заметова ва Дилноза Акрамова.

## ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ФАОЛЛИК

### корхоналарнинг янада ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда

***Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки тобора фаровон бўлиб бораётган турмуш шароитимизда ҳам ўз аксини топмоқда.***

Дунё миқёсида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳамон кўплаб давлатлар иқтисодиётига таъсир кўрсатиб турган бир пайтда ижобий ютуқларнинг қўлга киритилаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Республикамизда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми 107,6, саноат маҳсулотлари ҳажми 107, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 108,9 фоизга ўсгани бунга яққол далил бўла олади.

Албатта, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу юртимизда бевосита Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг нақадар тўғри ва оқилона эканлигидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда саноатнинг муҳим тармоқларидан бири — енгил саноат тизими ҳам яратилган имконият ва имтиёзлар натижасида жадал ривожланиб бораётир. Бунда Президентимиз томонидан тизим корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Инновацион лойиҳалар самараси

***“НАМАНГАНМАШ” ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳаларнинг кенг қўлланилиши ҳисобига бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 56 тага етди.***

Хусусан, корхонада пўлат ва чўян қопқоқлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ихтирочилар лойиҳаси асосида тайёрланаётган юқори босимга чидамли бундай қопқоқлар нефть ва газ саноатида кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, қуйи ва ўрта босимли газ тақсимлаш шохобчасининг тажриба нусхаси ҳам синовдан муваффақиятли ўтди.

Бу сингари изланиш ва интилишлар натижасида машинасозлар ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажми муттасил ортмоқда. Жумладан, жорий йилнинг беш ойида 977,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Туманнинг кўркам мебеллари

**ҚИЗИЛТЕПА туманилик тадбиркор Исмоил Шарипов очган “Нурафшон мебель-кафолат” хусусий корхонасида юз турдан ортиқ замонавий кўркам мебель жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.**

30 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси ҳозирнинг ўзида харидорларга буюртма асосида дастлабки 100 миллион сўмлик сифатли маҳсулотларини етказиб берди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳсулот кўпаяди

**НУКУСДА “Асакабанк”нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан ажратилган 240,6 миллион сўмлик кредит ҳисобига “Нукус-Ҳукамо” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

Айни пайтда бу ерда замонавий технологик усулда шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур жамоа дастлабки 200 тонна маҳсулотини ички бозорга чиқарди.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулотларни қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жараён

*Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.*

### Замонавий минитехнологиялар намойиши

Ушбу ҳужжат асосида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ихтисослаштирилган кўргазма-савдолар фермер ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар очиб, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Урганч шаҳрида бўлиб ўтган Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган минтақавий кўргазма-савдосида Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан хусусий сектор вакиллари фаол иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбек модели»:

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада эришилган улкан муваффақиятлар эса юртимиз ободлиги, халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлаётир.***

Шу ўринда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг асоратлари республикамиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатмагани, ушбу йўналишда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг "ўзбек модели" ҳал қилувчи роль ўйнагани дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда катта муваффақият билан ташкил этилган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этган давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодиёт илм-фани соҳасидаги етакчи олимлар, бизнесменлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари билдирган юксак баҳолар бунинг далилидир. Хабарингиз бор, мазкур йирик тадбир жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

*Тошкентдаги “Elektromotors Asiya” масъулияти чекланган жамияти ўз ҳамкори — Екатеринбургнинг “Eneral” ёпиқ акциядорлик жамиятига йил бошидан буён 1640 донадан ортиқ умумсаноат мақсадларига мўлжалланган асинхрон двигателларни етказиб берди.*

"Elektromotors Asiya" компаниясидан хабар беришларича, жорий йил якунига қадар турли модификация ва қувватга эга яна икки мингга яқин электр моторлар жўнатилади. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилмоқда.

2004 йилдан буён фаолият юритиб келаётган "Elektromotors Asiya" компанияси ҳозирги пайтда мижозларига кўплаб турдаги маҳсулотларни таклиф этмоқда. Турли электр двигателлар, мотор-редукторлар, насос ускуналари, дизель ёқилғиси билан ишлайдиган саноат ге-

Фармон ва ижро

нераторлари, манометрлар, инверторлар, ишга тушириш тизимлари, частотали ўзгартириш мосламалари ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлатиладиган бошқа технологик ускуналар шулар жумласидандир. Компанияда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар халқаро ва Европа сифат стандартларига жавоб беради.

Россия, Германия, Италия, Испания, Финляндиядаги ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг йўлга қўйилгани мамлакатимиз ички бозорига етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳажмини ҳам янада кенгайтириш имконини бермоқда. Нефть-газ, кимё, пахтани қайта ишлаш, аграр, қурилиш тармоқлари корхоналари компания маҳсулотларининг асосий буюртмачиларидандир. Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида компания филиаллари очилган.

Компаниянинг буюртмалар портфелида юзлаб шартномалар бор. Йил бошидан буён истеъмолчиларга қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ миқдорда ҳар хил турдаги маҳсулот етказиб берилди. Айни пайтда маҳсулот экспорт қилинадиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Касаначилик истиқболи

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда

**200** минг нафардан зиёд киши касаначилар сафига қўшилди.

***Хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан жойларда касаначиликни рағбатлантириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилиши туфайли ана шундай ютуққа эришилди.***

**Мамлакатимизда бола тарбияси, унинг жисмонан бақувват, маънан баркамол бўлиб ўсишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода айтганда, фарзандларимизнинг бахту саодатини, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод қилиб вояга етказиш халқимизнинг энг улуғ нияти, саъй-ҳаракатларимизнинг пировард натижасидир. Бундай ният истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган давр мобайнида ўғил-қизларимизнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши мақсадларига қаратилган ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, давлат дастурлари рўёбга чиқарилди, халқаро конвенциялар миллий қонунчиликка имплементация қилинди.**

# БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларининг ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этилиши натижасида ёш авлоднинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, ўз қобилият ҳамда интеллектуал салоҳиятларини амалда намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Кўп йиллардан буён таълим соҳасида фаолият юритганим учун бу ўзгаришларни, уларнинг не-не машаққатлар эвазига бунёд этилаётганини чуқур ҳис қиламан.

Қаранг, ҳозир туман ёки шаҳар марказини қўя туринг, энг чекка қишлоқларда, ҳатто, тоғли туманларда ҳам йил сайин янги-янги замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қад ростламоқда. Улар нафақат меъморий ечимлари, балки зарур ўқув анжомлари, лабораторияларининг замонавийлиги, дунё талаблари даражасида эканлиги билан ниҳоятда бебаҳодир.

Албатта, эндиликда ушбу шарт-шароитлар ва қулайликлардан унумли фойдаланиш, янги технологияларни оқилона қўллашимиз айни заруратдир. Ўзим касб-ҳунар коллежлари тизимида меҳнат қилаётганлигим сабабли, шуни айтмоқчиманки, коллежларда билим олаётган, ўз касб-маҳоратини мустаҳкамлаётган йигит-қизларни дарсдан бўш вақтларида турли қўшимча тўгаракларга, спорт машғулотларига, айниқса, замонавий ахборот технологиялари бўйича сабоқларга жалб этишнинг аҳамияти бекиёсдир.

Маълумки, кейинги пайтларда турли интернет-кафелар, кўнгилочар масканлар анча кўпайиб қолди. Албатта, ҳожатманд кишилар учун уларнинг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, ҳали вояга етмаган ўспиринларнинг ушбу жойларда ўралашишлари ачинарлидир. Тунги вақтларда бундай муассасалар ёшлар тўпланадиган, турли безорилик ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни бажарадиган "уя" бўлиб қолаётгани ҳам афсусланарли ҳолатдир. Чунки яқинда Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунни муҳокама қилаётганимизда, бу борада жиддий мулоҳазалар билдирилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноий қилмишлар кўпинча уларнинг тунги вақтда кўнгилочар масканларда назоратсиз юриши ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари оқибатида рўй бераётган экан. Хусусан, ўтган йилнинг 9 ойида болалар томонидан содир этилган жиноятларнинг қарийб ўттиз фоизи айнан тунги вақтларга тўғри келади. Афсуски, уларнинг бўш вақтини бундай ўтказишларига ота-оналар, кўнгилочар масканлар раҳбар ва ходимларининг эътиборсизлиги, масалага масъулият билан ёндашмаётганликлари ҳам сабаб бўлаётир. Чунки амалдаги қонунчиликда бундай ҳолатлар учун ушбу шахсларга жавобгарлик кўзда тутилмаганди.

**Мушоҳада**

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, болаларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз парламенти юқори палатаси томонидан маъқуллангач, Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, боланинг ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компьютер зали, Интернет хоналари ёхуд бошқа кўнгилочар жойларда ҳозир бўлишига йўл қўйилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шак-шубҳасиз, ушбу меъёрнинг ҳаётга татбиқ этилиши болалар ўртасида ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилиниши ҳолатларининг камайишига олиб келади ҳамда ота-она ва тадбиркорларнинг бу борадаги масъулиятини оширади. Бундан ташқари, болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадрият ҳамда анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қонуннинг қабул қилиниши, айтиш жоизки, бу борадаги ишларимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди. Унда белгиланган меъёр ва қоидаларнинг амалда тўлақонли рўёбга чиқарилиши учун, аввалambor, ушбу ҳужжат ижросига масъул барча давлат ва жамоат ташкилотларининг баҳамжиҳат, "Бир болага етти маҳалла ота-она" нақлида илгари сурилган тамойил асосида иш юритиши талаб этилади. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари фидойилик кўрсатиши лозим. Иш-режаларига мазкур Қонун ижроси устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга доир тадбирларни киритиш, бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, маҳаллалар, таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириши керак. Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди, уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши айнан мана шу ишларнинг нечоғли рўёбга чиқарилишига боғлиқдир.

**Тўра НАЗАРОВ,**
**Шаҳрисабз тиббиёт коллежи директори,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# «Ўзбек модели»: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўш, Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини қандай қилиб енгиб ўтмоқда? Юртбошимизнинг анжуман иштирокчиларига йўлланган табригида таъкидланганидек, Инқирозга қарши чоралар дастурида молия ва банк тизимини ортиқча ликвидлик билан пуфлаб шиширишга эмас, балки реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чораларига эътибор қаратилди. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастурини амалиётга кенг татбиқ этиш натижасида 2009 йилда 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Бу эса рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпайтиришга замин яратди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит ресурслари ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 14 баробар ўсиб, бунда инвестиция мақсадларида ажратилган кредитлар улуши умумий кредит портфелининг қарийб 70 фоизини ташкил этди.

Глобал инқироз таъсири туфайли бир қатор мамлакатларда иқтисодий-ижтимоий вазият мураккаблашган бир шароитда бизда экспорт имкониятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга эришилди. Албатта, экспортчи корхоналар фаолиятида барқарорликни таъминлашда республикамиздаги банклар томонидан кўрсатилган молиявий кўмак ҳам катта роль ўйнади. Ўтган йили ана шу корхоналарга айланма маблағлар манбаини тўлдириш мақсадида жами 233 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилгани шундан далолат беради.

Қолаверса, солиқ бўйича жорий этилган имтиёз ва енгилликлар хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Жумладан, меъморий-режавий ечимни олиш қиймати 4, лойиҳавий-сметали ҳужжатлаштириш экспертизаси нархи 2,5, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш нархи 2 баробарга камайтирилди. Кичик ишлаб чиқариш субъектларига йил давомида қарийб икки мингта бўш иншоот ижарага берилди. Бунда ижара учун тарифлар жойига қараб 3 баробардан 10 баробаргача арзонлаштирилди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лу Брефор қайд этганидек, мамлакатимиз минтақада биринчи бўлиб кичик бизнес ва хусусий ишлаб чиқариш соҳаси, меҳнат бозори ва аҳоли даромадларини оширишга кенг эътибор қаратди. Бу борада Инвестиция ва техник модернизация қилиш саноат дастури доирасида 2009 йилда 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани эътиборга молик. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Умуман, юртимиз бўйича 22 та ишлаб чиқариш, шу жумладан, 8 та нефть-газ, кимё ва металлургия, 9 та машинасозлик, 5 та қурилиш саноати объекти фойдаланишга топширилди. Иқтисодиётга инвестиция ажратиш ҳажми 8,2 млрд. АҚШ долларига ўсди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, "Инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган стратегия, мамлакатимизга, дунёнинг саноқли давлатлари қатори, ўтган даврда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди".

Шу ўринда, нуфузли халқаро экспертлар тасдиқлаган башоратларга мурожаат этсак. Уларга кўра, республикамизда экспорт ҳажмининг ўсиши ва саноатни янада ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 2010 ва 2011 йилларда мутаносиб равишда 8,5 ва 9 фоиз иқтисодий ўсишга эришилади.

БМТнинг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича Минтақавий бюроси Марказий Осиё департаменти директори Маҳмуд Аюб фикрича, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли мамлакат аҳолиси глобал инқироз талафотларини деярли сезмади. Шунинг ўзиёқ республикамизда иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори яратилганини тасдиғи эмасми?

**Алишер РАСУЛЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори.**

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастуридаги фаол иштироки корхонанинг самарали ишлашида муҳим омил бўлмоқда. «Elmaz» савдо белгиси остида асинхрон электр двигателларини ишлаб чиқариш бўйича участка ташкил этилди. Биринчи босқичда йилига 1200 донадан ортиқ АИР нусхали электр двигателларни ишлаб чиқариш мўлжалланган. Кейинчалик маҳсулот тури, параметрлари ва техник хусусиятларига қараб ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш назарда тутилмоқда. Ушбу двигателлар турли механизмларни улашга мўлжалланган бўлиб, саноатнинг кўплаб тармоқларида кенг қўлланилади. Компания модернизациялаш ва техник янгилаш ишларини амалга оширадиган корхоналар учун кўплаб турдаги электр техник ускуналарни лизинг асосида тақдим этади.

"Elektromotors Asiya" компанияси фаолиятининг яна бир йўналиши — энергоаудит бўлиб, бунда корхоналарнинг энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича текшириш, энергия тежаш салоҳиятини белгилаш ва уни амалга оширишда энг мақбул усуллар бўйича ишлов бериш, энергия сарфини камайтириш чораларини топиш ишлари амалга оширилади. Тегишли ҳисоб ва назорат асбобларини қўллаш, энергияни истеъмол қилувчи эски паркни алмаштириш, энергоменежментни ташкил қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. «Оҳангароншифер», «Elholding», «Sino», «Orzu» очиқ акциядорлик жамиятлари ва бошқа қатор корхоналарнинг ана шундай буюртмалари бажарилди. Мазкур корхоналарда таклиф этилган амалий чораларнинг ижроси самарасида энергия сарфини 10 фоиздан 30 фоизгача камайтиришга эришилди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



СУРАТДА: ишчи Дилором Охунова.

# ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ФАОЛЛИК

## корхоналарнинг янада ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, Чирчиқ шаҳридаги "Sera food" масъулияти чекланган жамиятида 20 турдан ортиқ болалар ва катталар кийим-кечаклари тикилаётган бўлса, хом ашёнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олинаётгани уларнинг арзон нархларда сотилишини таъминлаяпти.

— Корхонамизнинг хориждан келтирилган замонавий тикув машиналари билан тўлиқ жиҳозланган маҳсулот сифатини яхшилаш баробарида, иш унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилаяпти, — дейди мутахассис Дилшод Йўлдошев. — Ҳозирда бир ойда ўртача 8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, уларни буюртмачиларга пешма-пеш етказиб бераяпмиз.

Дарҳақиқат, корхона жамоаси бозор муносабатларини чуқур ўрганган ҳолда иш юритаётганликлари туфайли бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ҳам ортиб бормоқда. Жорий йилнинг беш ойида 50 миллион сўмлик маҳсулот Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги харидорларга сотилгани бунинг тасдиғидир.

Корхонада айни пайтда 60 нафар ишчи ва 20 нафар касаначи меҳнат қилаяпти. Мутахассислар эса йил охиригача ишчилар сафини кенгайтириш ва маҳсулотни экспортга чиқариш йўлида астойдил интилишмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**Бахтиёр АКРАМОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ЗАМОНАВИЙ МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Жорий йил май ойида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2010" кўргазма-савдосида вилоятимиз тадбиркор ва фермерлари, агрофирмалар томонидан умумий қиймати 9,1 миллиард сўмлик 142 та шартнома имзоланди, — дейди Хоразм вилояти ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Мансурбек Жуманиёзов. — Кўргазма-савдонинг минтақаларда ўтказилиши тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари учун қўшимча имкониятлар яратмоқда. Тадбир жараёнида эришилган келишувларнинг аксарияти маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Кўргазма-савдода мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан ташқари Хитой, Россия, Германия, Австрия, Италия, Франция, Польша, Греция, Нидерландия каби йигирмадан зиёд давлатнинг элликдан ортиқ компания ва фирмалари юз турдан ошиқ минитехнологияларни намойиш этди.

Тадбир давомида вилоят ишбилармонлари мева ва сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш, ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик, иссиқхона ташкил этиш, қадоқлаш ва сақлаш технологияларини харид қилиш бўйича 5 миллиард сўмликка яқин юздан ортиқ шартнома имзолади. Оролбўйи тадбиркорлари ва фермерлари ҳам самарали келишувларга эришдилар.

— Кўргазма павильонларидан жой олган минитехнологиялар орасида "Урганчкормmаш" очиқ акциядорлик жамиятининг сомон йиғадиган махсус агрегати бизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Қанликўл туманидаги "Тилак-Қобул" фермер хўжалиги раҳбари Чинор Тоштаева. — Корхона билан ушбу технологияни сотиб олиш юзасидан шартнома туздик. Хўжалигимиз экин майдони 300 гектарни ташкил этади. Жорий йилда 50 гектар майдонга буғдой экканмиз. Ушбу агрегат ҳосили ўриб олинган ғаллазорни пешма-пеш сомондан тозалаб, шудгорлаш ишларини сифатли олиб боришимизда асқотади.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Интилиш**

***Самарқанд туманидаги "Чашмаи танин" фермер хўжалиги қошида паррандачилик корхонаси фойдаланишга топширилди.***

# Фермернинг паррандачилик корхонаси

Товуқхона қурилиши ҳамда жўжалар сотиб олишга фермер хўжалиги томонидан 165,1 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди. 18 та янги иш ўрни яратилган бу корхонада ўтган ойда 20 минг донадан ортиқ тухум етиштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш дастури бўйича ўндан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Пойтахтимизда узлуксиз таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу конференцияда Қонунчилик палатаси депутатлари, таълим тизими мутасаддилари, олий ўқув юртларининг ректорлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э. Юсупов, Тошкент давлат педагогика университети ректори Ф. Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислоҳотлар натижасида ёшларнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги тобора юксалаётганини таъкидлади.

**Анжуман**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга билим ва тарбия бериш тизимининг барча бўғинларини такомиллаштириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув юртларини барпо этиш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини янада юксалтириш ҳамда юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлаётир. Ёш авлодга билим беришнинг узлуксиз, узвий, босқичма-босқич, кучли ижтимоий йўналтирилган тизими халқаро ва миллий таълимнинг энг яхши анъаналарини ўзида уйғунлаштирган.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, илғор маърифий услубларни жорий этиш орқали мамлакатимизнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий ўқув юртларида ёшларга билим бериш сифатини янада яхшилаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу эса давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш, ушбу масъулиятли жараёнга замон талабига ҳамоҳанг ёндашишни тақозо этади.

Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, дастурларни янгилаш, янада бойитиш, такомиллаштириш, мактаблар, коллеж ва академик лицейлар, олий таълим даргоҳлари учун янгиланган ўқув адабиётлари, қўлланмалар, ўқув-услубий нашрларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда давлат таълим стандарти янги лойиҳасининг таркибий тузилиши, янги таълим стандартларида ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш, касб таълими давлат таълим стандартларининг ўзига хос хусусиятларига оид мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Кўнгил хиёбони

Ватан — инсоннинг кўз очиб кўрган замини, киндик қони тўкилган тупроқ. Унга бўлган муҳаббат, ундан фахрланиш ҳисси ҳеч қачон эскирмайди, ўзгармайди, ўчмайди. Чунки у боқий туйғудир. Дунёда бирор бир инсон йўқки, ўзи туғилиб ўсган манзилни севмаса, ундан ифтихор этмаса. У она алласидан кўнгил топади, ота каломидан суяги қотади, оила давраси, маҳалла, қишлоқ ёшу қариси нигоҳида улғаяди. Шу боис Ватан деганда, аввало, туғилиб ўсган ота макон, сўнг ўзига, оиласига, дўстларига азиз бўлган юрт кенгликлари кўз ўнгида намоён бўлаверади.

## ҲАТТО ГАРДИ ГУЛЛАГАН ТУПРОҚ

Айтишларича, булбул асл Ватани — ўз чаманзорида куйлаб, олтин қафасда сайрамаганидек, тувакдаги гул ҳам жой танлар экан. Худди шунингдек, янтоқ ҳам чўлу биёбондан бошқа ерни хуш кўрмас эмиш. У сувсизликка, ёлғизликка, иссиққа жонажон ошёнига бўлган муҳаббатининг буюк кучи, қуввати туфайли дош берса, не ажаб. Шу бир ўсимликда инсонларга ўрнак бўлгулик, ҳавас қилгулик шунча садоқат, шунча матонатнинг жо бўлганлиги ҳайратланарли ҳол эмасми?

**Туйғу**

Умри давомида қорни кўрмайдиган бутун бир қитъа аҳолиси, бир дона кўчатни ундириб олиш учун бизнинг пулга чаққанда карийб 2 миллион сўм сарфлайдиган жазирама ўлка одамлари ўз ватанларини мукаррам ва жаннатмонанд, дея ҳисоблайдилар. Унда биз Ватанимизни қандай сифатлар билан шарафлашимиз керак? Ахир юртимизда тўрт фасл тўрт рангин кийимда, қуту баракада, беҳисоб совға-саломи билан Ватанимизни ҳар йил қутласа... Хусусан, кумуш қишда қор ризқ-рўз, қут-барака бўлиб ёғилса, зумрад баҳорда кўк сомсаю ҳалимдан қувватга энсак. Қипқизил лолалар югуриб чиққан тоғ этакларидан эсган саррин шаббодалар асалдек ҳаволарни димоғимизга урса. Ёз фаслида офтобдан меҳр кўриб, шаффоф булоқ сувларидан ҳўплаб, олтин кузнинг роҳатбахш неъматлари-ла сийлансак...

Дарҳақиқат, диёримиз Яратганнинг назари тушган юрт. Сархил мевалар, сара полиз экинларидан, сабзавоту кўкатлардан бозорларимиз маъмур, дастурхонимиз тўкин. Ширин-шакар олмаларимиз, қовун-тарвуз, узуму майизларимизнинг довруғи оламга кетган. Шундай юртнинг фарзанди эканлигимиздан фахрланмай, ғурурланмай бўладими?

Азим Самарқанд, кўҳна Бухоро каби шаҳарларимизнинг тарихи, Рим тарихчиси Помпей Трог таъкидлаганидек, қадимликда Миср эҳромларидан қолишмайди. Қадим ва навқирон бош кентимиз — Тошкентнинг жамоли Истиқлол шарофати ила кундан-кунга очилиб, ҳаммани ўзига маҳлиё этмоқда. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида қуриб битказилган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройининг ҳайратланарли маҳобати ниҳоятда улуғвор, қараган сайин қалбингда ҳис-туйғулар жўш уради. Пойтахтимиз каби она-Ватанимизнинг ўн икки вилояти ҳам ўзига хослиги, ободлиги ва фаровонлиги билан эътиборга сазовор.

Жонажон шаҳрим Гулистонни ҳам ҳар қанча таърифласак кам. Бу сўлим маскан ўтган йили ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақалари арафасида янада ажиб бир сайқал топди. Нафосати, ҳусни тарovати билан узоқ-яқиндан келган меҳмонларни ўзига мафтун қилди.

Хуллас, таъби назм билан айтганда, "Ватандин яхши ёр ўлмас". Бинобарин Истиқлол баҳори мамлакатимизни гулу лолага, райҳону жамбилга буркаб юрибди. Унинг боғбони қалбимизга маърифат ва маънавият чироғини ёқиб қўйди. Боз устига, ойдек ойдин йўлга бошладики, ишончдан, меҳру муҳаббатдан, орзуларнинг рўёбидан кўзларимизда севинч порлади. Бу севинч, шак-шубҳасиз, она-Ватанимизнинг бизга берган бебаҳо қадри абад туҳфасидир.

**Марҳабо МАМАТКАРИМОВА.**
Гулистон шаҳри

---

**Бу кўҳна оламда не-не улуғ зотлар яшаб ўтмаган, дейсиз?! Абадийликка дахлдорлик эса барчага ҳам насиб этавермайди. Инсоният, хусусан, миллатимиз тарихида боқийлик бахтига мушарраф бўлган буюклар орасида Алишер Навоий сиймосининг ўзгача салобати бор.**



**Навоийни англаш**

## Лек шараф келди ҳаёу адаб...

Инсон умри шафқатсиз вақт олдида бир гугурт чўпи ёниб ўчганчалик фурсат, холос. Буни ҳазратнинг ўзи "Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот", дея таърифлаганлар. Ва яна "Ажаб саодат эрур яхшилик била қолса от", дея орзу қилганлар. Тағин ўз ҳаётлари ва сермаҳсул, бетакрор ижодий фаолиятлари билан бу саодатга мушарраф бўлиш намунасини ҳам кўрсатганлар.

Мутафаккир шоир асарлари абадиятнинг сир-асрори, энг аввало, улардаги ҳар мисра Аллоҳ яратган ва жон ато этган жонзоту маҳлуқотлар орасида азизу мукаррами — инсонни эъзозлашга қаратилгани, ҳар бир сўз эзгуликка хизмат қилишга чоғланганида, умумбашарий ғоялар, орзу-умидларни тараннум қилганлигидадир. Шу боисдан ҳам шоир ижодий мероси асрлардан асрларга, диллардан дилларга ўтиб келаётир. Шу сабабдан ҳам Навоий ҳикматлари, улардаги мавзулар ҳамма даврлар учун долзарб. Айниқса, гўзал инсоний фазилатлар эгаси бўлишга ундовчи сатрлар айни кунларда ҳам барча миллат, барча элат кишиларига, айниқса, ёшларга беназир ҳаётий сабоқ беради.

Навоий ўз асарларида, хоҳ у достон, хоҳ ғазал, рубоий ёки қитъа бўлсин, юксак бадиият орқали инсонни улуғлайди, уни нуқсон ва иллатлардан батамом холи, бахту саодатга мушарраф ҳолда, нурли, сарбаланд мартаба даражасида кўришни орзу қилади. Ҳаёт мураккабликларидан — яхши-ёмон, пасту баландидан сўз очар экан, кишиларни комилликка — иймон-эътиқод, илм-маърифат, гўзал фазилатлар эгаси бўлишга ундайди.

Навоий наздида, эр кишига башанг, ялтироқ либос эмас, балки илму ҳикмат, донолик, камтарлик чинакам зебу зийнатдир. Ташқи кўриниши, мол-давлати билан фахрланган кимса — инсон эмас. Унинг зоҳири эмас, ботини — қалби гўзал бўлмоғи даркор. Навоий қарашларининг таъсирчан куч-қудрати, байтларининг дилтортар сеҳри шундаки, улардаги мазмун-моҳият қадриятларимиз илдизлари, маънавиятимиз замини — ҳаётий ҳикматлар, сабоқлар маъно-мундарижаси билан ҳамоҳангдир.

Инсонни юксалтирувчи нарса — иймон. Иймоннинг илк нишонаси эса ҳаё билан адаб. Ҳурмат, тавозе ҳар кимсани саодат манзилига элтувчи хислатлардир. Ахлоқсиз, одобсиз кимсалар обрў-эътибордан, азизликдан йироқ. Бундай киши тубанликка, хор-зорликка маҳкум. Киши эгаллаган мансаби, лавозими билан эмас, гўзал хулқи билан баланд мартабага муносибдир, дея уқтиради ҳазрат.

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,*
*Лек шараф келди ҳаёу адаб.*

"Билмаганни сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур", дейди бобомиз фарзандларни илм ўрганишга ундар экан. Унинг наздида, энг муҳими, илмни амалда тадқиқ этишдир. Илм ўқиб унга амал қилмаган ерни ҳайдаб уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб, ҳосилидан баҳра олмаган билан баробардир. Шундай қилки, элга фойданг тегсин. Аслида хайрли амалларингнинг нафи, аввало, ўзингга зиёдароқ.

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,*
*Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.*

"Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади, — дейди Юртбошимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида. — Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

Дарҳақиқат шоир ҳикматларидаги чақириқ, эзгуликка даъватнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-муддаолар, яхши ниятлар билан ҳамоҳанглиги ҳам айни шуни тақозо этади.

**Отабек ИСМОИЛОВ.**

---

## Бахт қуши

***Бу қушни биз хаёлот дунёмиз орқали қалбан ҳамиша интизор бўлиб кутамиз. Қайси бир халқлар уни лочин шаклида кўрадилар, бошқа бирлари бахт қуши турна, оққуш, булбул тимсолида акс этса керак, дея ўзларича тахмин қиладилар.***

Шарқ бадиий меросида Ҳумо, Семурғ, Мусиқор, Қақнус каби афсонавий қушлар ҳақида ривоятлар, афсоналар кенг тарқалган. Ҳумо юксалиш, тараққиёт, нурли келажак ифодаларини ўзида мужассамлаштирса, Семурғ буюк тафаккур, Мусиқор тенгсиз шижоат ва жасорат, Қақнус эса Абадият қушидир.



Ўзбек халқ эртакларида Бахт қуши Кабутар тимсолида намоён бўлади. Ўқиган бўлсангиз, бир эртакда малика ўзига турмуш ўртоғини танлаш мақсадида севимли кабутарини кўкка учиради. У чарх уриб, олис тоғдаги чўпон йигитнинг бошига бориб қўнади. Бундан хабардор бўлган халқ чўпоннинг бошига бахт қуши қўнибди, дея гапира бошлайди.

Умуман, таъкидлаш керакки, нафақат биз ўзбеклар, балки аксарият халқлар бахт қушини кабутармонанд деб тасаввур қилишади. Шу боис никоҳ маросимларида келин-куёвлар кабутарларга дон сепишади, баъзи ҳолларда уларни боши узра даст кўтариб, "Бахтимиз баланд парвоз қилсин", дея ният қилишиб, қўйиб юборишади.

Шу билан бирга, кабутар тинчлик, фаровонлик, хотиржамлик рамзи ҳамдир. Бинобарин бахт, тинчлик ва фаровонлик, хотиржамлик бири-бирига уйғун тушунчалардир. Бирини иккинчисидан, иккинчисини учинчисидан, учинчисини тўртинчисидан ажратиб бўлмайди. Шу боис кексаларимиз ёшларни дуо қилганда: "Бахтингиз бутун бўлсин!" дейишлари бежиз эмас. Нима дердик, ҳозир юртимизда тўйлар мавсуми авж палласига кирди, карнаю ноғоралар садоси қалбларимизни ҳаприқтираяпти, шўх яллалар, алёрлар турмушимизнинг роҳату фароғатига шукроналар айтишга ундаяпти.

Беадад севинчдамизки, мамлакатимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда, эртамиз бугунгидан-да ёруғ бўлишига ишончимиз комил. Сиз ушбу саҳифада суратини кўриб турган икки ёш каби ҳар куни юзлаб йигит-қизларимиз елкаларига бахт қуши қўнаяпти, десак, муболаға эмас. Муҳими, бахт қушини авайлашни унутмайлик. Яхши кунларимизнинг қадрига етайлик. Дунёга ҳушёр назар ташлаб, бахт қушимизни ёмон кўзлардан асрайлик. Истиқлол қуёши гулларга буркаётган Ватанимиз борки, бахтимиз, шаънимиз, истиқболимиз бутун. Зеро, бошимиз узра чарх уриб учаётган кабутарлар ҳам шу азиз ва табаррук Ватанимизники. Улар пок осмонимизда вояга етган ва ҳамиша бизнинг саодатимиз учун тинмай чарх уриб, парвоз қилаверишади.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**

---

**Ҳошимжоннинг учта укаси бор. Ҳаммаси аҳил йигитлар. Улар акаларининг айтган сўзидан, чизган чизиғидан чиқмайдилар. Ҳар бир ишни бамаслаҳат бажарадилар.**

## ЭЪЗОЗ

**Ҳаёт манзаралари**

— Маҳаллага ош бермоқчийдим, ака, — маслаҳат солади Абдукарим, — маъқулмикин?

— Яхши ўйлабсиз, — уни қувватлади ака. — Ота-онамизнинг руҳлари шод бўлади, элдан дуо оласиз.

— Ҳовли этагига бостирма қурмоқчиман, — акасининг оғзини пойлади Азимжон, — нима дейсиз?

— Ота яшаб ўтган уйни обод қилганлар кам бўлмайди, маъқул гап.

— Жиянингизни уйлантирмоқчимиз, тайёргарлик кўраверайликми?

Акаси синглисининг сўроғига даб-дурустдан бир нима деёлмайди. Қаттиқроқ гапириб ранжитиб қўйишдан ўзини сақлайди. Пиёладаги чойдан ҳўплагач, укаларига юзланади.

— Озгина ёшлиги бормикан-а? — дейди мулойимлик билан. — Бунинг устига тайинли ишнинг этагини тутганича йўқ ҳали.

— Тўғри, — аканинг жўяли мулоҳазасини қувватлашди укалар. — Жиян, аввало, ишга жойлашсин, янги ҳаёт учун пул топсин. Уйланиш бўлса қочмас.

Укалар Ҳошимжондан йўл-йўриқ олиб тарқалишгач, ўғил отасидан сўради:

— Нима учун ҳамма ишни сиздан сўраб қилишади, ўзлари билишмайдими?

Ҳошимжон кулимсираб деди:

— Амакиларинг ҳар бир ишни мендан кўра яхшироқ билишади. Бироқ ҳурмат юзасидан олдимдан ўтишади. Кошкийди, ҳамманинг ҳам шундай укалари бўлса.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.**

---

**Автобус бекатга келиб тўхтагач, йўловчи аёл тушишга шошилди. Ёнида икки боласи, қўлида эса сумка. Шу лаҳзада автобус эшигидан икки одим наридаги енгил автомашина ҳаракатга келди. Аёл ноқулай вазиятда қолди. Болаларини эҳтиёткорликка чорлар экан, автомашина ҳайдовчисига нимадир дея зардали танбеҳ берди. Ҳайдовчи йигит ҳам жимгина кетадиганлар тоифасидан эмас экан.**

## МУОМАЛА — МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

Машинасидан туша солиб, "Секин ҳайдаяпман-ку, кўрмаяпсизми?" дея унга ўшқира кетди. Аёл бўш келмади. Даҳанаки жанг авжига чиқди. Йигит ўзидан чамаси 15-20 ёш катта аёлни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилганича машинасини шаҳд билан ҳайдаб кетди.

Бу нохуш манзарани кўриб ўйга толасан, киши. Айб ҳайдовчида эди. Йўналишли автоуловлар тўхташи кўзда тутилган бекатда шахсий автомашинанинг туриши қоидага зид. Ҳайдовчи буни билмаслиги мумкин эмас. Бинобарин, ўша машина эгаси йўловчи аёлдан "Узр, опа. Хато мендан ўтибди", дея хушмуомалалик билан кечирим сўраганда, олам гулистон эди. Ўшанда аёл жаҳлидан тушар, бу қадар дилхираликка ҳам ўрин қолмасди.

Руҳшуносларнинг фикрича, ўзаро хушмуомалалик жиддий сабаб бўлмаган ҳолатларда турли баҳс-мунозаралар, кўнгилсизликларни четлаб ўтишга ёрдам беради. Негаки, "Ким ҳақ, ким ноҳақ" эканлигини аниқлашга киришиш асабларнинг таранг тортилишига, кишининг одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқишига олиб келади.

— Фикримизча, ҳар бир киши ўзига бошқа бировнинг назари билан қарай олиши керак, — дея мулоҳаза юритади Бухоро давлат университети ўқитувчиси, психология фанлари номзоди Аҳмад Баҳриев. — Ана ўшанда у хушмуомалалик билан дағаллик ўртасидаги тафовутни яхшироқ англайди. Негаки, юқорида келтирилган воқеадаги ҳайдовчи йигит ўзини ўша йўловчи ўрнида тасаввур этганида бу қадар қўпол муомалада бўлмасди. Чунки қўполлик, бошқаларга дағал муносабатда бўлиш ўша кишини ўзгалар кўзига совуқ, тарбиясиз қилиб кўрсатади. Ваҳолонки, ҳеч ким одамлар назарида шундай кўринишни истамайди.

Таниқли рус адиби Антон Чехов ўз акасига ёзган хатида "Одобли кишилар инсон шахсини ҳурмат қилади, шу сабабдан ҳамиша марҳаматли, юмшоқ, ёқимли, кўнгилчан бўлишади" деган сўзларни битган. Бинобарин, "Сиз албатта тузалиб кетасиз", дея бемор қалбида соғайиб, оиласи бағрига қайтишга ишонч уйғотган шифокорлар, "Харидингиз учун раҳмат", дея харидорга хайрихоҳлик билдирган сотувчилар, "Ёқимли иштаҳа" деб хўрандага илтифот кўрсатган ошпазлар орамизда қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бизнингча, ҳар биримиз ўз-ўзимизга "Одамлар билан муомала қилишни биламизми?" деган саволни бериб турсак, фойдадан холи бўлмасди.

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

---

## Тол хивич керакка ўхшайди...

**Беш ёшли Нодиржон жуда шўх. Кунларнинг бирида уларникига бобоси меҳмонга келди. Халқимизда набирани "Данагидан мағзи ширин", дейишади. Мағиз қанчалик ширин бўлмасин, унинг катталар гапига қулоқсизлиги бобони анча ўйлантириб қўйди.**

**Қатра**



Якшанба куни эмасми, ота-она фарзандини бобосига ташлаб, бозорга кетишди. Нодиржон эса уйни бошига кўтариб, у хонадан бу хонага югургани-югурган, ҳеч тиним билмайди. Бобо нимани қилма деса, аксинча, ўшани қилади. Гап таъсир қилмади.

Шунда бобо ҳовлига чиқди, бир муддат ўтгач, қўлида толнинг тахминан уч қаричча келадиган новдаси билан кириб келди. Сўнг эринмасдан унинг пўстини шилиб олди ва новдани челакдаги сувга ботирди. Бундай ғайриоддий ҳаракатларни диққат билан кузатиб турган набира қизиқсиниб, бобосидан нима иш қилаётганини сўради. Бобо пинагини ҳам бузмасдан: "Биласанми, Нодиржон, болалигимизда бобомизнинг айтганларини қилмасак, толнинг новдаси билан бизни обдан савалар эдилар. Бу хонадонга ҳам худди шудай тол хивич керакка ўхшайди шекилли, лекин бу оёққа қаттиқ тегиши учун у бир кеча-кундуз сувда туриши зарур", дея жавоб берди...

Бозордан қайтган ота-она Нодиржонни умуман "танимай" қолишди. Унинг хонаси саранжом-саришта, кийимлари шкафчага осиғлиқ, оёқ кийимлари тартиб билан териб қўйилган, ўзи эса бобосининг ёнида алифбени "ҳижжалаб" ўқиш билан машғул.

Эртасига Нодиржон онасининг "Челакка тол новдалари қаёқдан келиб қолди?" деган саволига жавобан, бобо билан бир-бирларига кўз қисиб қўйишди...

**Обиддин МАҲМУДОВ.**

---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.45
1 2 3 5